“MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI” АЖ



“MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI” АЖ ижроия органининг 2022 йил 1 квартал ҲИСОБОТИ

Тошкент ш.
2022 йил

“MULK-SARMOYA BROKERLIK UYI” АЖнинг 2022 йил

1 квартал бўйича ҳисобот

“MULK-SARMOYA BROKERLIK” АЖнинг асосий фаолияти брокерлик ва депозитар хизматлари хисобланиб, 2022 йил 1 чорак якуни бўйича 566 яъни 32 241 808 дона акциялар ёки жами 18 094,9 млн.сўмлик брокерлик битимлари амалга оширилган. Булардан 4 та яъни 985 150 дона (“Каттакурғон ёғ-мой” АЖ, “Андижан ёғ-мой” АЖ, “Ёғгар” АЖ ва “Узпартампонаж” АЖ) акциялар ёки 11010,9 млн.сўмлик брокерлик битимлари давлат улушларини сотилишини бўлиб-бўлиб амалга оширилишига тўғри келди.

Ўтган йил 1 чорак якуни билан таққослайдиган бўлсак ушбу кўрсаткич 297 та яъни 6 546 363 дона акциялар ёки жами 55731,2 млн.сўмлик битимлар амалга оширилган эди. Булардан 5 та яъни 4 850 917 дона акциялар еки 53895,3 млн.сўмлик брокерлик битимлари давлат улуши сотилишига тўғри келганди.

Хисобот даврида 566 та брокерлик битимлари амалга оширилган бўлиб, шундан 429 таси HTS (home trade system) тизими орқали амалга оширилган битимлардир.

Бундан ташқари, хисобот даврида уйишмаган биржадан ташқари савдоларда жами 256 та, 352 417 дона ёки бўлмаса 1142,6 млн.сўмлик битимлар амалга оширилди.

2022 йил 1 чорак якунлари бўйича ялпи даромад – 502,1 млн. сўмни (Бизнес – режа бўйича ялпи даромад 356,4 млн. сўм миқдорида белгиланган эди) ташкил этди. Ялпи даромад бўйича Бизнес-режа 140,8% бажарилди. Даромадларнинг 450,0 млн. сўмлик қисми асосий фаолиятдан (депозитарий ва инвестиция воситачиси хизматлари) олинган бўлиб, қолган 52,1 млн. сўми молиявий фаолиятдан ва бошқа қўшимча даромадлардан тушган пулдир.

Харажатлар 374,6 млн. сўмни ташкил этди. Бизнес – режа бўйича жами харажатлар 274,6 млн.сўм этиб белгиланган эди. Бизнес – режага асосан харажатлар 136,4% ташкил қилди.

Ҳисобот даврининг соф фойдаси **108,4** млн. сўмни ташкил этиб (Бизнес – режа бўйича соф фойда **81,8** млн. сўм миқдорида белгиланган эди), ушбу кўрсаткичнинг Бизнес – режа бўйича бажарилиши **132,5**% ташкил қилди.

Жамиятнинг устав фонди **936 254 464 сўмни** ташкил этиб, номинал қиймати 512 сўмдан бўлган 1 828 622 дона оддий акциялардан иборат.

2022 йилнинг 31 март холатига “MULK-SARMOYA BROKERLIK” АЖ 2,5 фоиздан 57,3 фоизгача бўлган турли корхоналарда жами 433,9 млн.сўмга яқин улушларга эга. Шундан 9 таси турли вилоятларда “ВАҚТ” номи билан фаолият юритиб келаётган масъулияти чекланган жамият шаклидаги корхоналардир.